

Kuch — adolatda

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqarib boshlagan 2001 yil 23 noyabr juma № 46 (333) sotuvda erkin narxda

«ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК»

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислам Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласини кўп минг нусхада чоп этди.

Мажмуадан мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 11 сентябрь кунини Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда вужудга келган вазият муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган баёноти ҳамда халқимизда катта қизиқиш уйғотган ушбу муҳим ҳужжат муҳокамалари доирасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг муҳбири билан суҳбат баёни ўрин олган.

Бундан ташқари, китобда Ўзбекистоннинг жаҳолат ва терроризмга қарши кураш мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мазкур билим даргоҳининг талаба-ёшлари ҳамда унга қарашли Саъдий Сирожиддинов номи академик лицейининг ўқувчилари иштирок этдилар. Шунингдек, тадбирда Республика Ички ишлар вазирлигининг вакиллари ҳам ҳозир бўлишди.

Ёшлар билан ўзига хос мулоқотга айланган мазкур тадбирни очар экан университет тарих факультети декани Замира Эшонхўжаева терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг бугунги кундаги беқиёс аҳамияти ҳақида таълиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг сўз олган факультет деканининг муовини Абдор Хидиров ёшларга қарата мурожаат этиб, уларнинг юртимиз келажаги, тинч ва осойишта ҳаётимиз ҳимоячилари эканликларини билдириб, тевақар-атрофдаги ўқоқ-хўдсизларга ҳаммаша сергак ва огоҳ бўлишга



Шаҳрихондаги «Одина» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига қарашли «Эзгу» ўқув-ишлаб чиқариш марказида ёшларга касб-хунар сирларини мукамал ўргатиш бора-сида катта ишлар қилинмоқда. Бу ерда хотин-қизлар 4 хил хунар бўйича билим олишади. Улар томонидан тайёрланган бир-биридан гўзал, нафис, сифатли буюмлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: ўқув маркази раҳбари Одина Отахонова шогирдлари даврасида.

Тоҳирхон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Терроризмга шафқат йўқ

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Миллий Академик Драма театрида кеча ЎЗМУ тарих факультети жамоасининг ташаббуси билан терроризм ва экстремизмга қарши кураш мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мазкур билим даргоҳининг талаба-ёшлари ҳамда унга қарашли Саъдий Сирожиддинов номи академик лицейининг ўқувчилари иштирок этдилар. Шунингдек, тадбирда Республика Ички ишлар вазирлигининг вакиллари ҳам ҳозир бўлишди.

Ёшлар билан ўзига хос мулоқотга айланган мазкур тадбирни очар экан университет тарих факультети декани Замира Эшонхўжаева терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг бугунги кундаги беқиёс аҳамияти ҳақида таълиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг сўз олган факультет деканининг муовини Абдор Хидиров ёшларга қарата мурожаат этиб, уларнинг юртимиз келажаги, тинч ва осойишта ҳаётимиз ҳимоячилари эканликларини билдириб, тевақар-атрофдаги ўқоқ-хўдсизларга ҳаммаша сергак ва огоҳ бўлишга

жамлиқка берилмаслигимиз, бошқа давлатларда рўй берган воқеа-хўдсизларга бепарво назар ташламаслигимиз зарур. Токи дунёда терроризм ва экстремизмдек жиддий инқилоб бор экан, у ўзининг нопок мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап-тмас экан ҳаммаша огоҳлик, зийраклик ҳаётимиз мезонига айландирди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида эътироф этмоқ жоиз, замонамиз бўлган ёшлар ҳам ўзларининг бу масалаларга бефарқ эмасликларини тадбир ташкилотчилари ва меҳмонларга қарата берган кўпдан-кўп саволлари билан маълум қилишди. Зеро, терроризм инсоният душманидир. Унинг пажаси ёш танламайди. Шундай экан ёшлар ҳам терроризм ва экстремизмга қарши курашга доимо шай эканликларини билдириб, ҳаётда ҳаммаша огоҳ ва сергак бўлишларини изҳор айлашди.

Эл тинчлигини сақлаш ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар идораларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги қарши кураш бўлими бўлиб ўтган учрашувда ҳаммамиз учун аҳамиятлидир, дейишди улар. — Жумладан Қозғоғистон раҳбари ушбу учрашув чоғида шундай алоҳида таъкидлади: «Ўзбекистон Президентининг сийбасатдонлик борасида доно фикр юритиши нафақат ўз халқини, балки Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон халқларининг ҳам тинч-тотув яшашларига ўз ҳиссасини қўсатиши». Бу — аниқ ҳақиқатдир.

Самарали тадбир ҳамма-да бой таассурот қолдирди.

Раъно МАХМУДОВА, «Адолат» муҳбири.

Ҳуқуқий сабоқ

...МОЛ-МУЛКИ МУСОДАРА ЭТИЛМАСИН!

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши инсонпарвар жамиятимизнинг хоҳиши-иродаси, — дейди Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари Акбар АЗИЗОВ

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик ислохотларини чуқурлаштириш, инсонпарварлик тамойилларига асосланган адолатли жамият барпо этиш йўлида ана бир муҳим қадам қўйди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун амал қила бошлади.

Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қабул қилинган, халқаро андозаларга мослиги жиҳатидан хорижий ҳуқуқшунос-экспертларнинг эътирофига сазовор бўлган мазкур Қонуннинг аҳамиятли томонлари нималардан иборат? Уни амалиётга қўллашда ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, суд, прокуратура, тергов идоралари зиммасига қандай вазифалар қўйилган?

Мухбиримиз Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари, ақлият катта масъул шахси Акбар АЗИЗОВга шу хусусда бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Акбар Жамолитдинов, жамиятнинг маълум бўлиши нукталарида тараққиётга мос ҳоҳиш-интишлар қўзғатилганда, ҳоҳ иқтисодий, ҳоҳ ижтимоий ҳуқуқий соҳаларда бўлсин бундай интишлар ўзига хос ислохотларни тақозо этади. Жиноий жазоларни либе-

раллаштирилиши ҳам ана шу ислохотлар қаторига қўйиш мумкин. Ай-тинччи, янги қонуннинг аҳамияти энг аввало қай-си жабҳаларда яққол намоён бўлмоқда?

— Биринчидан, ўзингиз жуда тўғри таъкидлаганингиздек, жамият тараққиётининг маълум бурилиш нуктасига етиб келди. Мустақилликнинг дастлабки ўтти давридаги синовлар ортда қолди. Энди фуқароларнинг эркинликларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга зарурат туғилмоқда. Чунки жамиятимизда қонунларга нисбатан онгли муносабат, жавобгарлик тугйуси шакллана бошлади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, бундан қўшимча қилиш заруратини таъкидлаган ҳолда қамқоқона энг яхши тарбия воситаси эмаслигини тан олишимиз лозим.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар

Шу йилнинг 25 ноябрь — яшанба кунини бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.

Унда бир неча сайлов округларида сайловчилар Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзодлар учун ҳам овоз берадилар. Бу сайловларнинг тошкентликлар ҳаётида муҳим ўрин тутиши бежиз эмас. Мамлакатимиз пойтахтининг бугунги ривожига шаҳар Кенгаши депутатларининг муносиб ҳиссалари бор. Улар сафидан ўрин олишга умид боғлаган, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган партиямиз номзодлари ҳам шаҳар ҳаётининг турли соҳаларида қизгин фаолият кўрсатишиб, юртимизни обод, элимизни фаровон айлашга бор куч-имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Сайловларда уларга овоз берсангиз адашмайсиз. Улар сизнинг дилингиздаги номзодлардир.

Куйида партиямиз томонидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар ҳақида ҳикоя қилинади.



САМИМИЯТ САБОҒИ

ёки «даракхт бир жойда кўкаради» мақолига ҳаётдан бир мисол

Ўқитувчининг ҳурмат-эътибори нимада? Албатта шогирдларининг эътирофиди, уларнинг сон-саногини йўқлигида. Шу маънода Раҳбарон Муртазаванинг ўқитувчилик фаолиятига кўз ташлаганда, Ўзбекистон Миллий Университети (собиқ ТошДУ)нинг кейинги ўттиз йил ичида битирган аксарият талабаларини шогирди санаш мумкин. Чунки, Раҳбарон опа 1972 йили шу университетнинг тарих факультетини тамомлагандан сўнг, бутун фаолияти ана шу даргоҳ билан боғлиқ. Аниқроқ қилиб айтганда, «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг ўқитувчиси, доцент, профессор ва кафедра мудири, ўқув ишлари бўйича проректор, «маънавий-маърифий ва гуманитар таълим» бўйича биринчи проректор вазифаларида ишлаб келмоқда. Ана энди кўпчилик собиқ талабаларнинг яхши таассурот билан эслаши хусусида тўхта-ладиган бўлсак, унинг бир неча томонлари бор.



Бирламчи сабаби, ўзингизга аён. Ўқитувчи бўлгандан сўнг, табиийки талабаларга сабоқ беради, имтиҳон олади. Шу ўринда бир жиҳатини таъкидлаб ўтиш керакики, Раҳбарон опа бачилик қилаётган «Ўзбекистон тарихи» кафедраси факультетлараро ҳисобланиб, ўқитувчилар деярли барча йўналишлар бўйича тахсил олаётган талабаларга дарсга қиради. Айниқса, журналистика факультетига ўқиганлар опа билан кўпроқ мулоқотда бўлишган. Чунки, кафедра факультетининг илгариги жойида бир қаватда ўрнашганди.

Бир нарсани аниқ эслаймизки, ўқигани кириб энди ётоқхонага жойлашган кезларида эди. Оқибатда курсда ўқийдиган бир танниш академикнинг арзимида бир сабабга асосланган ўқитувчиси билан ораси бўзилиб, ўтган ўқув йили якунида «мерос» бўлиб ўтган имтиҳонни оломай сарсон-саргардон бўлиб юрарди. Барча умидлар сўнган, не қилишни билмасди. Шунда ҳамкурс ўртоқларидан бири вақтинча йўқотмай ўқув ишлари бўйича проректор Раҳбарон Муртазаванига учрашишни айтиб қолди. Шунинг маслаҳати билан у бўлган воқеани опага тушунтирибди. Натихада у кишининг аралашуви билан қайта имтиҳон комиссияси тўзилиб, қоқилмай ўтиб кетди. Ҳозир истеъдодли ижодкорлар қаторида қалам тебратиб юрибди. Балки бу воқеалар бутун Раҳбарон опанинг эсига тушмас, бу ишларни у киши ўзининг асосий вазифаси ҳисоблар. Аммо, олий ўқув юртидаги барча ўқитувчилар ҳам бунини бош вазифаси деб ҳисоблармикан?

Ана шу воқеа сабабли Раҳбарон опа ҳақида дастлабки мурғак тасаввур пайдо бўлганда ва бу таассурот талабалик йиллари ижобий томонлар ила бойиса бойидики, асло қамбағаллашгани йўқ.

Кунини кеча иш юзасидан «Талабалар шаҳарчаси»да бўлганда. Бир неча жойда осмонлиқ турган қорғоқдаги ёзувлар эътиборимизни тортиди. Танишчилик чиксак, устозимиз Раҳбарон Муртазавани 24-Мирзо Ғолиб сайлов округидан Тошкент шаҳар кенгашига номзод этиб кўрсатилди. Қувониб кетдик. Бойси, Раҳбарон опа албатта бу ишончининг ҳам уддасидан чиқа олади.

Шавкат ЖАЙРОН.

Бизнинг номзодларга овоз беринг!

Маънавият

ЗҮР БҮЛДИ...

— Ие, ошна «Нексия» нг зўр-ку! Рангини қара-й, рангини. Яқирайди. — Зўр бўлганда қандоқ, Нақ 7 миллион сўмининг, бо-шини эди. — Ие, сотовой («уяли телефон») нг ҳам охиригисиданими? — Булмасам-чи, додасидан, буям 600 минг сўмга тушди. — Кеча чойхонада мазаза қилгандирсизлар, мен боролмай қолдим-да. — Зўр бўлди. Бор-йўғи бир соатли ўтиришга 50 минг сўм бериб юбордим. Ха, майли тур-гилган куним. Саҳнах сар-... — Ха, айтгандай эсимдан чиқай дебди, «Адолат»га обу-даними? — Ха-да! Лекин гапирма, 7840 сўммиш-а! — Бир ойгами? — Йўқ! — Уч ойгами? — Йўқ! — Олти ойгами? — Йўғ-е, бир йилга акхир! Бунга қара, мунча қиммат бўлмас-а! — Сени харидларинг ол-дида у урвоғ ҳам эмас-ку, ошна. — А! — Ха!!!

Гап эгасини топади. Шунча нарсаларга қизганмаган пулингизни «Адолат»дан аяманг. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 100. • Мамлакатимиздаги барча алоқа бўлимларида обуна расмийлашти-рилади. Шошилинг!

ИОРДАН дарёсининг

гарбий қирғоқдаги Тулкарм ва Калкила шаҳрида Исроил ҳарбийлари беш нафар фаластинлик экстремистини қўлга олди. Улар орасидаги Иброҳим Обид Хусайн шу йил ёзда Тел-Авив шаҳрида содир этилган қўпурчиликни уюштирилганда гумон қилинаётган.



• Париж. Эйфель минораси.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

• ЕВРОПАНИНГ бетараф давлатлари террорчиликка қарши халқаро курашдан четда қолмаслиги керак. Австрия ва Швеция мудофаа вазирлари Стокгольмда ўзаро музокаралар ўтказар экан, шундай фикр билдирди.


• АҚШда сибир куйдиргисидан яна бир киши вафот этди. Коннектикут штатидаги фермаларнинг бирининг ишчисини бўлган кекса аёл қандай қилиб бу хасталикка чалинганни шифокорлар учун жумбоқ бўлиб турди. Уни ечиш учун полиция ва Федерал куйдирув бюроси ходимлари мазкур ҳудудда ялпи текширув ўтказаяпти.

• ҲИНДИСТОН ҳукумати Кашмирдаги айрымачи гуруҳлар билан музокара ўтказишга тайёрилик билдирди. Маҳаллий матбуотда «Дели» билан тил топишишга уриниб кўриш истагини билдирган. Конхўрликда ном қозongan «Лашкари Тойибба» жангарилари ўз фаолиятини янада қучайтиришини айтган.

• АҚШ 1 октябрда бошланган молиявий йилда 70 мингга яқин қончини қабул қилиши мумкин. Хусусан, Африка давлатларидан 22 минг, шулар ичига 17 минг киши АҚШдан панох топиши мумкин. Чоршанба кунини Оқ уй раҳбари Жорж Буш шу тўғрисида қарорга имзо чекди.

• 2002 йилнинг ёзида Канадада Калгари шаҳрида «Катта саккизлик» саммити ўтказилди. Мазкур анжуманда хавфсизликни таъминлаш учун қарий 40 миллион Канада доллари миқдоринда маблағ зарур бўлади. Калгари шаҳри ҳокими Дэвид Бронкониер шуни маълум қилди.

• ФИЛИППИНДА ҳукумат қўшинлари исёни гуруҳларнинг олти истеҳкомини ишғол қилди. Ҳабарларга қўра, сўнгги тўрт кун ичида Мора миллий озодлик фронтининг бир юз эллика яқин жангариси ўлдирилган. Шунингдек, ҳукумат армиясидан тўрт аскар, тинч аҳолидан эса етти киши ҳалок бўлган.



• Каир. Тунги манзара.

Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар

НИЯТИ ПОКНИНГ ЙЎЛИ ОҚ

«Қудратимизга шубҳа қилсангиз биз курган биноларга боқинг!», Буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг бу пурмаъно сўзларининг ҳаётийлигига биз ҳар лаҳзада дуч келамиз. Қундан кунга ўзгариб, тобора чирой очиб бораётган мамлакатимиз пойтахтининг ҳозирги ривожини айниқса бунга ёрқин мисол бўла олади. Шаҳардаги улкан қурилышларга, ўзгаришларга «12-трест» акциядорлик жамиятини ишчан жамоаси ҳам салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Яқинда бунёдкорлар ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Ботир Зокиров Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 34-«Лисувон» сайлов округидан номзод этиб кўрсатилди. Бугунги кунда жамоа раҳбари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, ўзининг сайловда дастурилари билан уларни таништирмоқда. Кўпчилигини қизиқтираётган масалаларни, талаб ва истакларни ўрганиб борапти.



— Ҳозир раҳбарга кўп нарсалар боғлиқ, — дейди акциядорлик жамияти касба уюшмасининг раиси Рустам Бурҳонов биз билан суҳбатда. — Қаердаки раҳбар тадбиркор, ишбилармон бўлса, келажакни кўзлаб иш юритса жамоанинг ютуқлари ҳам шунга монанд кун сайин юксалиб бораверади. Акциядорлик жамиятимизнинг раиси Ботир Иркинов ҳам шундай: ўзида раҳбарликнинг барча яхши фазилатларини муассамлаштирган юртдошларимизнинг бири. Жамоамизнинг ютуқларида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Дарҳақиқат, бугунги кунда акциядорлик жамиятида эришялган кўндал кўндал ютуқларни жамоа бунёдкорлари бевосита ўзларининг талабчан раҳбари Ботир Зокиров билан боғлашмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. 1963 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган камолга етган Ботир мактабни тугатиши билан оқ ҳаётининг пасту баландини таниб, бирор касбга эга бўлиш, шу орқали халққа меҳнат қилиб озу-ниятларига эришиш пайида бўлди. Тошкент асосбозлик заводига ишга кириб чилангар бўлиб ишлаб бошлади. Шу билан биргаликда Тошкент политехника институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Армия хизматини ўтагач, «Тошсантахазмонтаж» ташкилотининг 1-механизациялашган бошқармасида чилангар, сантехник, газ ёрдамида кесувчи бўлиб ишлади. 1988 йилда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институтни битириб, олий маълумотли қурилиш муҳандиси ихтисосига эга бўлди. Шу йили Тошкент бозор қурилишлар бошқармасига қарашли 12-қурилиш трестига ишга ўтиб, оддий мастерликдан бошқарма бошчилиги, ундан сўнг эса бозор муҳандиси вазифаларига бўлган йўлни босиб ўтди. Яъни, бунёдкорликда ўзига хос бую таъжриба ва етарли малака ортирди. 1996 йилдан бошлаб «12-трест» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси лавозимига ишлаб келмоқда.

Шуни эътиборга моликки, «12-трест» нафақат Тошкентда, балки бутун республикамизда тилга тушган қурилиш ташкилотларидан биридир. 2000 йил якунига мувофиқ бу жамоа Вазирлар Маҳкамасининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган. Айни пайтда Ботир Зокиров ўз устиди тинимсиз ишлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академиясига қарашли «Олий бизнес мактаби»да сиртдан таҳсил оляпти. Оилали, уч фарзанднинг отаси.

Ботир Зокиров муносиблар ичра муносиб номзод. У Тошкент шаҳар Кенгашига депутатликка сайланса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож бўлган қарияларга, ногиронларга доимий моддий ёрдам кўрсатиш, қўлтувчи, мураббийлар, шифокорлар ва барча зибилларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, шаҳарни ободонлаштириш, сув, газ, иссиқлик, алоқа коммуникацияларидан фойдаланишни яхшилаш, кўп қаватли турар жой биноларини қайта таъмирлашдек муҳим вазифаларни амалга оширишни ният қилган. Нияти покнинг эса йўли доимо нурафшон бўлади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Адолат» мухбири.

ОЙДИН МАҚСАД ЙЎЛИДА



Хузурига маслаҳат сўраб келган талабани кузатиб қолар экан унга тўғри йўл-йўриқ кўрсата олганидан Юлдузнинг кўнгли тўлди. Одам баъзан шундай бўлади. Дили тўлиб турган дамларда ким биландир диллашгиси келади. Уша пайтларда унинг кўнглига оз бўлса-да малҳам бўла олсанг у сени бир умр унутмайди. Мададиндан, маслаҳатингдан қувониб юради. Аслида ҳозирги давр талабалари ўзгача. Улар илмда ҳам, ҳаётда ҳам тиришқор. Шуларни ўйлади-ю, Юлдуз бир пайтлар ўзи ўқиган дамларни эслади. Уқий қандайдир енгил кўрингани билан ўзига яраша ташвишлари ҳам бор эди.

Бугун эса тамоман бошқача. Хатто истеъдодли талабалар чет элларда таълим олишиб, чуккур малака ортириб келишмоқда. Ўзи меҳнат қилаётган Тошкент Давлат авиация институтини ҳам муастаклик шарофати билан юртбошимиз томонидан ташкил этилган ўқув масканларининг бири. Таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёда ягона. Бу ерда ҳозир авиация соҳаси учун мутахассис ёшлар ўқитилмоқда. Юлдуз Тоқтаева бу ерда 1998 йилдан буюн ихтисмоий гуманитар фанлар кафедрасида катта ўқувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Хозирда уни ўқув масканида фаолият кўрсатаётган «Миллий истиклол» гоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш марказига раҳбар этиб тайинланган. Шу билан биргаликда Юлдуз Уммутокчи факультети деканатининг ўринбосари ҳамдир. Қўрнинг турибдики, у ёш бўлса-да, жамоат ишларида ҳам фол кўтаради. Буш вақтларида ишнинг ҳаёти билан боғлиқ ишларни бажаришга, ҳўб-излашга, ўз ҳаётини таъжрибаларини муттасили ошириб боришга сарфлайди.

«Юлдуз «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига аъзо бўлган дамларини асло унутмайди. Уша пайтларда институтнинг бир гуруҳ ўқувчи-мутахассислари бу партиянинг фаолиятига қизиқиш қилишди. Унинг сафарида да бўлиб дастур ва Низомларини амалга оширишга, олдига қўйган вазифаларини юзага чиқаришга ҳайратлиқ билдирдилар. Номини адолат билан боғлангани, унинг келажакда катта умид ва ишонч боғлангани учун Юлдуз Тоқтаева ҳам «Адолат» партиясига аъзо бўлиб кирди. Айни пайтда у бу ердаги партия фаолиятининг бирига айланган. Партиявий топшириқларни ҳамма сиддиқидан адо этиб келади. Доимо ҳаётининг олдинги сафиди бўлишга интилади.

«Миллий истиклол» гоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази» шу йилнинг бошида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ташкил этилди. — дейди Тошкент Давлат авиация институтининг Умумтехника факультети декани, фан номзоди, доцент Абдумуҳим Сулҳов биз билан суҳбатда. — Бу борада кенг тушуна ва чуккур билимга эга бўлганлиги учун Юлдузнинг марказнинг раҳбари этиб тайинлашди. Барча ташкилий ишлар тула амалга оширилган марказ ўзининг қизгин фаолиятини бошлаб юборди. Миллий истиклол гояси ва мафкурасининг тарғиботини институт ҳаётининг барча соҳаларида олиб борди. Эндиликда марказ орқали олий ўқув юртимизнинг бую босқичларида тахсил олаётган талабаларга миллий истиклол гояси ва мафкураси бўйича махсус курслар ўтказилмоқда. Шу билан биргаликда конференциялар, турли кўрик-танловлар ўтказилиб борилапти. Бу орқали ёшлар қалбига миллий истиклол гояси ва мафкураси чуккур сингдирилмоқда. Уларни Ватанимизнинг ривожига бекиёс ҳисса қўшаётганлигини алоҳида эътироф этишарди. Дарҳақиқат, Ботир Зокиров акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси бўлганидан буюн Тошкентда бунёдкорлик соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Бунга мисоллар кам эмас. Айниқса, унинг бевосита раҳбарлигида сўнгги йилларда қурилган 125 ўқувчи мўлжалланган қурилиш коммунал коллежи, қатор мамыური бинолар шулар жумласидандир. Партияимиз номзоди ўз иш фаолиятида қўшимча иш жойларини ташкил қилишга, самарадорлиқни оширишга, бунёдкорларнинг моддий ҳиждатдан манфаатдорлигини оширишга доимо алоҳида эътибор бериб келмоқда. Трест маблағлари ҳисобидан қўшимча уй-жойлар қурилиб, бунёдкорлар ва ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароитлари тобора яхшиланиб борапти.

Шуни эътиборга моликки, «12-трест» нафақат Тошкентда, балки бутун республикамизда тилга тушган қурилиш ташкилотларидан биридир. 2000 йил якунига мувофиқ бу жамоа Вазирлар Маҳкамасининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган. Айни пайтда Ботир Зокиров ўз устиди тинимсиз ишлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академиясига қарашли «Олий бизнес мактаби»да сиртдан таҳсил оляпти. Оилали, уч фарзанднинг отаси.

Жаҳонгир ТОШЕВ.

● Бизнинг номзодларга овоз беринг!

Наманганда Каунтерпарт Консорциум халқаро ташкилотининг фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази фаолият кўрсатмоқда.

— Шу йилнинг ўзидида вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари билан бешта ўқув семинари ўтказилди. — Худаймаж Усубовнинг ўз ордига Шерзода Қурбонова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Наманган шаҳрида «Даштбоб» маҳалласида хотин-қизлар иш билан таъминлаш мақсадида «Моҳларойим» марказини ташкил қилди. У ерда тивувилик, канцеляриялик цехлари очилди ва 170 та ишчи ўрни яратилди.

МАҲАЛЛАГА ХОЛИС ЁРДАМ

Ш. Курбоннинг айтишича, халқаро ташкилот қумагида Тўрақўрғон туманидаги (Қумиқон, Каттақўрғонча, Кичикқўрғонча) маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлашга киришилди. — Андижон вилоятида ҳам фаолият кўрсатамиш, — сўзини давом эттирди Ш. Курбон. — Хўжаобод туманидаги Бешқарам маҳалласида қишлоқ врачлик консултият пункти ва болалар поликлиникасини замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминлади. Наманган вилоятида «Хўжаобод» уюшмаси билан ҳамкорликда Хўжаобод марказини, вилоят кутубхонаси, аёллар ассоциациясини билан биргаликда «Маҳорат мактабини» очиб ниятидамиш. Мақсади-ки фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш ва ватанлардан иборат.

ЯПОНИЯ КИТОБЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг жаҳон тиллари кафедрасида Япон тилидаги китобларни топшириш маросими ўтказилди. Япон тилини ўқитадиган ташкилотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Япония халқаро маданий айирбошлаш жамғармасининг ҳар йиллик дастурига мувофиқ китобларни топшириб келамиз, — деди маросимда сўзга чиққан Япониянинг Ўзбекистондаги Фахрulloда ва Мухтор элчиси Кеко Накама хоним. — Мазкур дастурга қўра, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жами уш минг АҚШ доллари қийматидаги 60 дан зиёд китобларни олди.



Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг жаҳон тиллари кафедрасида Япон тилидаги китобларни топшириш маросими ўтказилди.

АУДИТ ТЕКШИРУВИ МАЖБУРИЙМИ?

Кейинги вақтда текширишларни тартибга солиш бўйича ҳукуматимиз томонидан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарилди. Уларнинг ижросини таъминлаш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида Қашқадарё вилоятида «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Аудит текширувларини тартибга солиш бўйича чиқарилган қонун ва қарорлар ҳам шулар жумласидандир. Ҳўш, аудит текширувлари ва вилоятдаги аудит фирмалари фаолиятининг ҳозирги аҳоли қандай? Жамоатчи муҳбиримиз вилоят ҳудудий аудиторлар палатаси бошқарувининг раиси Э. ЭРГАШЕВА билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Аввало, аудитор ҳақидаги фикрингиз билан ўртоқлашсангиз, у қандай бўлиши керак?

Яқинда «Аудиторлар касбий этикаси кодекси» тасдиқланди. Унда аудитор малака сертификатига эга бўлиши, бундан ташқари ҳалоллик ва ҳолислик, текшираётган корхона сирини сақлаб қилиши, касбий ҳуқуқ таъминиларига риоя этиши кераклиги кўрсатилган. Бу уларнинг зиммасига катта масъулият юқлаши билан бирга касбий жавобгарлигини ҳам оширади.

Вилоятимизда 130 нафарга яқин малака сертифицига эга бўлган аудиторлар фаолият кўрсатади. Аммо уларнинг аксарияти талаб даражасида иш юритмаяптилар. Кўпчилик аудиторлар ҳали ҳам эски тартибда далолатнома тузишди, ҳозирги кунда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ таниш эмаслар.

— Мана шундай аудиторлар ёки аудит фирмалари ҳақида мисоллар келтирсангиз.

— Яхшиси, аудиторлик фирмалари ҳақида тўхталсам. Чўнки ҳозирги кунда уларнинг аксарияти паст савияда, ноқонуний иш юритишмоқда, кўпчилиги аудиторнинг жавобгарлик даражасини тушуниб етмапти. Хатто, айрим фирмаларнинг аниқ манзили йўқ.

2000 йил 26 майда қабул

та корхона мажбурий аудитдан ўтадиган ташкилотлар сирасига киритилган. Бу акциядорлик жамиятлари, сугурта ташкилотлари, банклари, инвестиция фондлари ва уларнинг бошқарув компаниялари, хайрия ва ижтимоий фондлар, бюджетдан ташқари фондлар, низом фондида давлат улуши мавжуд бўлган корхоналардир. Хусусий ва жамоа корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлар (агар давлат улуши бўлмаса), жамоа-ширкат ҳўжалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ихтиёрий тартибда ўз ҳўжирлари бўйича аудит текширувдан ўтказиладилар.

Лекин вилоят ташкилотлари қошида ташкил этилган айрим аудиторлик фирмалари ўз ишларини мажбурийлик принципида ташкил этилган. Масалан, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси қошида «Қашқадарёаудит» шўба корхонаси бошқарма буйруғи билан ҳўжаликлари аудиторлик текширувларига жалб этилган. Лекин улар мажбурий аудитдан ўтувчи ташкилотлар сирасига кирмайдиганлиги истоган аудиторлик фирмасидан аудиторлик текширувдан ўтишлари мумкин.

Текширувга сабаб бўладиган ҳўжатларга келсак, бу икки йўналишда амалга оширилди. Биринчидан, корхона мулкдори, акциядори, қатнашчиси ёки бошқарувининг буюртмасига қўра, иккинчидан, суд, ҳўқуқ-тартибот ва назорат қилувчи органларнинг буюртмасига қўра. Бирок ҳар икки ҳўлатда ҳам аудиторлик текшируви шартнома асосида амалга оширилди. Суд, ҳўқуқ-тартибот ва назорат қилувчи органларнинг буюртмасига қўра текширув ўтказилганда мазкур органлар аудиторлик фирмаси билан шартнома тузади, хизмат ҳақини буюртмачининг ўзи тўлайди.

— Аудит текшируви ўтказишнинг ана қандай шартлари бор?

— Буюртмачилар шунини билишлари керакки, амалдаги

қонуннинг 5-моддасига қўра аудиторлик фирмаси касбий жавобгарлиги тўғрисида сугурта полиси бўлгандагина текширув ўтказишга ҳақли. Бундан мақсад, аудиторлик фирмаси томонидан нотўғри ҳўлоса берилганда етказилган зарарни аудиторлик ташкилотига эмас, сугурта идораси тўлаб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини таъминлаш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» қарорининг 6-бандида аудиторлик фирмалари 2001 йилнинг 1 сентябригача низом жамғармалари микдорини энг кам иш ҳақининг 1200 бараварига етказишлари, таъсис ҳўжжати 2001 йил октябрда қадаб қайта рўйхатдан ўтказишлари лозим эди. Бирок ҳозирги кунгача «Хўш-мурод» хусусий аудиторлик ташкилотидан бошқа бирор-та аудиторлик фирмаси қарорининг шўбу талабини бажариш устиди ўйлаб кўрмапти.

— Аудиторлар палатасига аъзо бўлишнинг қандай манфаатли томонлари бор?

— Палатимизга аъзо бўлганлар қўшимча имконият ва имтиёزلардан фойдаланадилар. Масалан, палата юридик хизматлардан бепул фойдаланиш, аъзоларнинг назорат, суд, ҳўқуқ-тартибот органлари олдига, касбий ҳўқуқларини ҳимоя қилиш ҳодимларининг касбий даражасини таъминлаш (ўқув қўланмалари билан, конференциялар ташкил этиш йўли билан) аудитнинг ягона услубиятини йўлга қўйиш аудиторлик текширувларидан аъзолар иштирокини таъминлаш, таъжриба алмашишларда қатнашиш ва бошқалар.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ суҳбатлашди.

Хуқуқий сабоқ

...МОЛ-МУЛКИ МУСОДАРА ЭТИЛМАСИН!

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши инсонпарвар жамиятимизнинг хоҳиш-иродаси, — дейди Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари Акбар АЗИЗОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Демак жиноий жазоларни либераллаштиришда ана шу ҳўлосалардан келиб чиққан ҳолда иш тутилган?

— Албатта. Эътибор беринг: илгари «ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар» туркумига озодаликдан маҳрум қилиш жазосидан енгилроқ жазо тайинланган жиноятлар киритилган бўлса, янги қонунга мувофиқ уш йилдан қилиш ва эҳтиётсизлик оқибатида содир қилган жиноятни ўчун беш йилгача озодаликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган назарда тутган жиноятлар киритилган.

— Ушча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этган жиноятни ўчун уш йилдан беш йилгача озодаликдан маҳрум қилиш ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида жиноятни ўчун беш йилдан ортиқ жазо тайинлаш қўдада тутилган жиноятлар киритилганлиги кўрсатилди. Холбуки илгари бу туркумга беш йилгача озодаликдан маҳрум қилиш ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб озодаликдан маҳрум қилиш назарда тутган жиноятлар киритилган эди.

— Муқаддам оғир деб таснифланган (5 йилдан 10 йилгача озодаликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган) жиноятлар классификацияси ўзгартирилиб, улар ўчун оғир бўлмаган (5 йилгача озодаликдан маҳрум этиш) жиноятлар қаторига қўшилган эди. Бирок С. Салимов суд маҳлисида ўш айбига чин дилдан пушаймонлик билдириб етказилган за-

туркумга қирадиган жиноятлар соғи ҳам жазолар енгиллаштирилиши муносабати билан қаматилган. Масалан, ўзганинг мулкни жўда қўлиш микдорда талон-тарож қилиш муқаддам ўта оғир жиноят қаторига қўйилган ҳамда 15 йилгача озодаликдан маҳрум этиш билан жазоланган. Янги қонунга мувофиқ бу ҳўлат оғир жиноят саналиб, жазо муддати 10 йил қилиб белгиланган.

— Иқтисодий жиноятлар ўчун ҳибага олиш, қамаш ҳақида нима дейсиз? Бу борада ҳам жазо қоралари енгиллаштирилганми?

— Шубҳасиз. Иқтисодий жиноятлар бўйича етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодаликдан маҳрум қилиш тариксидиқ жазо қўлланилмаслиги белгиланган. Яна бир муҳим гап, янги қонунда озодаликдан маҳрум қилиш жазолари қаматилрили жарима солиш жазоси қучайтирилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддасига асосан илгари жарима энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 100 бараваригача ўндирилса, янги қонунга мувофиқ 5 баравардан 600 бараваргача ўндирилиши белгиланган.

Самарқанддаги «Тоҳир» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси директори Сўхроб Салимовга нисбатан муқаддам қўзғатилган жиноят ишини мисол қилиб келтириш мумкин. У ёғоч-тахта савдосидан бюджетга тушиш лозим бўлган 300500 сўм микдоридиқ солиқ тўловларини тўлашдан қасддан айбланган эди. Бирок С. Салимов суд маҳлисида ўш айбига чин дилдан пушаймонлик билдириб етказилган за-

лари билан айбнашда шахсининг муқаддам шу хатти-ҳаракатлари ўчун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши талаб этилади.

— Акбар Жамолиддинович, Жиноят кодексида муҳим деб ҳисобланган модда — томонларнинг ярашганлиги ҳақидаги масала ўз ечимини қандай топан?

— Дарвоқе, Жиноят кодекси «Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озодал қилиш» ҳақидаги 66-1 модда билан тўндирилган. Бу ҳўлатда жиноят кодексининг 26 та моддасида қўрсатилган жиноятлар биринчи марта содир этган шахс, агар у ўш айбига қўра бўлса, жабранувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса жиноий жавобгарликдан озодал этилиши қўрсатилган.

— Янги қонуннинг энг муҳим ютуқларидан деб яна нимани кўрсатишингиз мумкин?

— Илгари суд ҳўкминини эълон қилиш пайтида керак-но керак ҳўлларда «мол-мулки мусодара қилинсин» деган жумла албатта қўшиб қўйиларди. Нихоят қатогон йилларидан бештача мерос бўлиб қолган энг ёмон иллатдан халос бўлди. Янги қонунга мувофиқ Жиноят кодексининг барча моддалари санкциясидан «Мол-мулки мусодара қилиш» жазоси чиқарилган.

— Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ҳўкукин муҳофаза қилиш органлари, суд, прокуратура зиммасига қандай вазифаларни юкломқда? Вилоят бўйича қайта қўриб жиноий ёки чиқариладиган жиноий ишлар ҳўсусида қандай фикрдасиз?

— Янги қонун қўра қирини муносабати билан иш юритишда бўлган жиноят иш-

Сўхратдов Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.

Турмуш чорраҳаларида

Хайрли Ёлфон

«Бошинга қилич келса ҳам ёлфон сўзлама», дейди диён-натли халқимиз. Ёлфоннинг оқибатлари ёмонлиги, гуноҳи азимлиги хусусида эртақлар, мақоллар, ҳикматлар битилган. Лекин ҳаётимизда шундай ҳодисалар бўладики, яхшилик, савоб йўлида ёлфон ота-онанинг, қариндошларининг, биродарларининг фойдасини қўзлаб ёлфон гапиршига мажбур бўласиз. Шундай пайтда ёлфонингиз хайрли бўлган-лиги учун Оллоҳ ҳақ йўлида қабул қилишини юракдан ҳис этасиз. Бунга мисоллар жуда кўп, масалан рўза кўнлари вақтинча бироз қийналиб қолган кўшинингизнига рўзғори учун керакли бирор нарсани закот тариқасида олиб чиқасизда, кўшинингизни ҳижолатга қўймаслик ёки бўлмасам қилаётган савобингизни чин дилдан, миннатсиз бажараётганингизни инобатга олиб, «Уйимда анчагина бор эди, қариндошларим яна олиб келишибди. Бекорга ёмон бўлиб қолди», дея ёлфон гапирасиз.

Кечагина кириб келган рўзани рамазон ойини интиқлик ҳамда ихлос билан кўтиб олдим. Ота ва онамни рўза билан табриклаш учун уйга телефон қокдим. Онам кўюниш билан сўради:

- Яна рўза тутаяпсизми?
- Албатта.
- Ёш болалик бўлсанг, давлат иши, уйнинг иши, қийналиб қолсанг-ку, — дедилар.

Она барибир онада, гаплари нотўғрилигини билсаларда, менга ачинаётганларини, бунинг устига неча йиллардан буюн ошқонан яраси билан азобланаётганларини билиб, уларнинг кўнглиларини кўтариш учун жавоб бердим:

- Ойи, хавотир олмаг, эрталаб кўёнингиз олиб келган кўй гўштиндан сергўшт қилиб қайнатма ичиб олганман. Кеч-қурун яхшилаб манти пишираман.
- Ундай бўлса майли қизим, Оллоҳ даргоҳида қабул қилсин. Рўзадор нимаки ният қилса, мақсади амалга ошишини айтиб, — мени ва кўёларини узундан-узқоқ дуо қилдилар.

Телефон дастагини иларқанман «Ёлфон гапирганим учун худонинг ўзи кечирсин», дея онамнинг аввалига ачинганларини, сўнг рўза тутганлигидан хурсанд бўлганларига қувониб уй ююшларига шўнғиб кетдим. Бир вақт турмуш ўртоғим кириб келдилар, қўларидан пакет. Югуриб пешвоз чиқдим, пакетга ишора қилдим:

- Бу нима?
- Бугун ишларим юришди, келаятиб кўй гўшти сотиб олдим. Оғиз очарга яхшилаб манти пиширгин, — дедилар.

Пакетдан гўштарини оларқанман, онам билан бўлган суҳбат ёдимга тушди. Тоқна устида турган рамазон тақвими кўлимга олдим-да биринчи бетига ҳошиялар билан юритилган ҳадисга меҳр билан назар ташладим. Унда қуйидаги сўзлар битилганди: «Рўзадорнинг ифторлик пайти қилган дуоси рад этилмайди». Шунда Оллоҳ ҳам хайрли ёлфонини ихобат қилганлигини тушуниб қувондим.

РИЗҚ-НАСИБА

Бир куни меҳмондорчиликка шошиб тургандим. Қўлимда оғир тоғора. Аксига олиб трамвай ҳам келавермапти. Такси тўхтатмоқчи бўлдим. Бир пайт оқ «Волга» машинаси келиб тўхтади. Нима қиларимни билмай тургандим ҳайдовчи эшикни очди:

- Опа қаерга борасиз?
- Манзилимни айтдим. Утиринг дегандай имо қилди. Бироз сукутдан сўнг гап бошлаб қолди.
- Хойнаҳой, кира қилиб юрибди деб ўйлаётгандирсиз-а?
- Йўғ-е.

Ҳайдовчи таскин толагач шундай дея гап бошлади:

- Йўлда шошиб, тушқуликка тушиб турган йўловчиларни кўрсам индамай ўтолмайман.
- Йўлда яна бир йўловчи қикди. Тушиб кетатуриб ҳайдовчи 250 сўм ҳақ тўлашлигини айтди. Йўловчи узоқ чўнтагини кавлади-да, 200 сўм узатиб индамай кетаверди. Ҳайдовчининг иссиқдан бўрсиқиб кетган юзига ачиниш билан қаради:
- Ука сизларга ҳам осон эмас, эртаю-кеч рулда қадалиб ўтиришининг ўзи бўладими? Нега ҳақингизни сўрамадингиз?

- Э, опа, ортиқча асаббўзарлиқнинг нима ҳождати бор? Барибир худо инсонга қанча ризқ-насиба берса ўшани олади. Баъзида йўловчилар айтган нархидан кам тўлашади, индамай қўқоламан. Бошқаси ўтиради-да қайтимини олмай кетади. Хаттоки айтганидан икки баравар кўп пул ташлаб кетганлар ҳам учраб туради.

Ёш ҳайдовчининг гапларини эшитиб кўнглим кўтарилди. Қани энди барча инсонлар ҳам шундай сабр-тоқатли, имонли бўлса. Манзилим узоқроқ бўлгани сабабли йўлдан яна бир йўловчини олдиқ. У тушиб кетаркан, 150 сўм ўрнига 200 сўм берди-да: «қайтими керак эмас», деди миннатдор оҳангда.

Ҳайдовчи «Ана қўрдингизми?» дегандай маъноли бокди. Кўпича транспортларда кондукторлар «7 ёшдан ҳақ тўлансин», деб, ёш-ёш болаларни чипта олишга мажбур қиладилар. Хаттоки, ўқишга, спорт тўғрисидаги шобир турган гўдакларни манзилига етмай туриб тушириб юборадилар. Шундай транспорт ходимларини кўрганимда ўша мулоҳазали, чеҳрасидан шукроналик туйғуси балқиб турган ҳайдовчи кўз олдимга келади.

Раъно МАХМУДОВА.

Турфа олам

ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИ ҚАНЧА?

Статистик маълумотларга қараганда, Ер юзидagi аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 86 миллион кишини ташкил этар экан.

Ер юзидagi аҳолининг зичлиги турли минтақаларда турличадир. Бу фарқ аҳолининг турмуш тарзи, саломатлиги, ўртача умр кўриши ва бошқа мезонларда ақвол кўзга ташланади. Масалан, Хитой, Хиндистон ва АҚШ дунёдаги аҳоли энг кўп ва зич яшайдиган мамлакатлардир. Хитойда аҳолининг ўсиши йилга 1,4 фоиз, Хиндистонда 2 фоизни ташкил этади.

Жаҳон мутахассисларининг ҳисобига аҳолининг йилликда Ер юзи аҳолиси йилга 97 миллион кишига қўлайиб борар экан.

СИРЛИ ҲАЗИНА

Кучли шомол туриб олма даракнинг илди-зи билан сўғуриб кетди. Бу ҳодиса Эстониянинг Каунас шаҳри қўриқларида бир киши-мажмуасининг боғида рўй берди.

Эртасига қўлаган дарак-тири бир четга олиб қўймоқчи бўлган мактаб ўқувчилари даракт ўқувчилари ҳисобига бўлиб қолган. 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.

Уни очиб қараб, ичи олтин тангалар билан тўла экан. Тангалар ичиди 1824 йилда қаттиқ қор бўлиб Америка долларини ҳам бор эди.



Куз. Хазонрезги онлар. Қозим Улмасов олган сурат-лавҳа.

Пародия

ШОИРНИ СЕВСАНГИЗ...

Шоирни севсангиз Севинг ўйлаброк, Доғда қоласиз, Шоир кўнгли кетар ирмоқлар бўйлаб, Тоғда қоласиз.

Эътибор ОХУНОВА

Шоирни севсангиз аввал хўп ўйлаб, Сўнгра тегмоқ керак, сингилжон эрга. Шоир шунақа зот, ўнта хотинини Гоҳида алмашар битта бўш шеърга.

У шеърига илҳақ, сизга қараш йўқ, Эрта-кеча ўйлайди ўша шеърини. Сизни бир пайт бўлар тоқатингиз ток, «Тиқиб келай» дейсиз, сендақа эрни...

У тунлар ухлалас қаватингизда, Ичар, чекар илҳом келишин пойлаб. Сигарет қолмас излар носқади, Хатто бир мирисин кўрмайсиз ойлаб.

Шоирнинг хотини ху, анов аёл, Кетмоқда бир қаранг, ўзига сўйлаб. Вақт ўтапти, хабар йўқ эрдан, Ичиб ётганмикан, кўшигин қуйлаб.

Ўткир САИДОВ.

Божхона бекати

АЙЛАНМА ЙЎЛЛАР СИРИ

Ҳукуматимизнинг божхона хизмати борасида белгиланган йўл-йўриқлари асосида иш олиб бораётган Сариосиё божхона мажмуаси меҳнат жамоаси эътиборли масканлардан бири ҳисобланади. Масканда 30 нафар ходим меҳнат қилади. Божхона мажмуаси замонавий иш қурол-лари билан жиҳозланган.

Қўндалик юмушларимиздан бири бўлган Ватанимизнинг узундан узоқ масофага қўзилиб кетган Ўзбекистон — Тожикистон чегараларида божхонамиз мажмуаси томонидан рейдлар ўтказиб боришмоқда. Яқинда Ушун туманининг «Бўри Очиқдиев» жамоа ҳўжалигида бўлиб, қўшни Тожикистон Республикаси билан чегара қисмларида назорат олиб бораётган бўлиб, фуқаро Илмис Мамаев қўбон қўлини, Унинг «КаМАЗ-551» русумли давлат белгиси 19 АД 293 рақамли юк ташувчи автоуловидида гаразли мақсадни қўлаб Тожикистон Республикасига ўтказиб сотиш мақсадида юк-лаб келган 10 тонна гипс ўшлаб қолди.

Шу йилнинг 17 октябры кўни смена бошлиғи Б. Тоғоев, инспектор Н. Мардиев, Ш. Қаландаров, Х. Абдусамодовлар иштирокида Сариосиё билан чегара адирлиқларини назоратдан ўтказаятгани-мизда шу жамоада яшайдиган Сайридин Муродов, Дилшод Муродов, Сулаймон Муродовлар айланма йўллар орқали Тожикистон Республикасидан 4 бош отни республикамизга олиб келишгаётганлигини устидан қиқиб қолди. Улар билан суриштирув ишлари олиб боришда бу отларни нима мақсадда олиб келиш-аётгани маълум бўлиб қолди. Туман суди қарори билан отлар мусодара қилиниб, ҳуқуқбузарларнинг ҳар бири 20580 сўмдан жаримага тортиди.

Жамоамиз меҳнат фидойилари мамлакатимизда амалда олиб борилаётган қонун устиворлигини таъминлаш йўлида ҳар қандай айланма йўллар сирини фойда қилишга тайёр. Бу йўлга ҳушёрлиги-миз зиёда, тўплаган билим ва тажрибаларимиз етарли.

Тили ЭРМАТОВ, Сариосиё божхона мажмуаси маскани бошлиғи, Раъшан МАНСУРОВ, божхона мажмуаси суриштирувчиси.



Келганда апоқ-чапоқ, Чикқанда турқиға бок. Абдурашул ҲАКИМОВ чизган расмлар.

ҚАҲ-ҚАҲА

Қурилишга текширувчи келипти. Қараса, бир ишчи ҳадеб қуруқ арава-часини шалдиратиб у ёққа югуриб ўтармиш, бу ёққа югуриб ўтармиш. Уни тўхтатиб сўрапти:

- Нега бўш арава билан югуриб юрибсан?
- Э-э, сўраманг, ҳозир ишимиз сўрапти шунақа тезлашганки, қоришма солишга ҳам вақт йўқ.

- Яхши киз, сиз биз-нес билан шўғулланиш-ни истайсизми?
- Истайман, жуда ҳам истайман. Буни фа-кат онам билмасин дей-ман...

Ошиқ йигит машуқаси-га:

- Мен учун энг қиммат-ли нарсам сизсиз...
- Вой улмасам, маши-нангизни сотиб юбордин-гизми?

- Кечирасиз аҳвол жуда қатос. Шу яқин ўртада полициячини кўрмадингизми?
- Йўқ кўрмадик. Нима гап? Тинчликми?
- Жуда яхши. Қани, бўлмаса соатларни ечиб, пулларни қўзинг-лар, тезроқ!

Янгисидан айтайми?..



Судланувчи... Биринчи хотинингиз нимадан ўлган эди?

- Қўзқориндан.
- Иккинчиси-чи?
- Уям қўзқориндан.
- Учинчиси-чи?
- Минси чайқалиб.
- Нега шундай бўлди?
- Гап шундаки, у қўз-қорин ейишдан бош тор-ган эди.

Беш яшар бола она-сини сўроққа тутаяпти.

- Ойи, рўстдан ҳам бизни табият яратган-ми?
- Албатта.
- Совгаларни ҳам қорбобо улашадиган, а?
- Шубҳасиз.
- Унда адамиз нима учун керак!

— Айбдор, сиз ўзингиз-ни оқлаш учун яна нима-ларни қўшишча қўлаво-ласиз?

- Сизлардан илтимос, оқловчининг ёшлигини инобатга олсангизлар.

Жабранувчи: — Жа-ноб судья, бу киши мени «эшак» деб ҳақорат қилди.

Судья: — Балки бу гапни ҳақ устида айт-гандир.

Жабранувчи: — Йўқ, йўқ. У аввал менга узоқ вақт диққат билан тики-либ турди. ...

— Кеча менга тунда бир қароқчи ҳужум қилди, аммо мен ҳеч қаерга арз қилиб бормадим.

— Нега ўндай қилдин-гиз?

— У менинг барча чўнтақларимни ағдариб қўрди, ҳеч нарсга тополма-гандан сўнг раҳми келиб, қўлимга 50 доллар тут-қазди.

— Олдин бирон марта судланганми?

— Йўқ, судланмаган-ман. Аммо бундан беш йил муқаддам чўмилиш ман этилган жойда чўмилганим учун 200 марка жарима тўлашга ҳужм қилармиш.

— Ҳўш, ундан кейин-чи?

— Кечирасиз, жаноб, мен ўшандан бери чўмилганим йўқ.

Мусобақа вақтида ҳа-дан ташқари кўп бақирган ишқибоз:

- Овозим йўқолиб қол-ганга ўхшайди.
- Қўнишчи:
- Хавотир олмаг, ово-зингизни менинг чап қуло-гимдан топасиз.

Ўзбекистон Республика-си Давлат матбуот қўмита-си томонидан «Қамолот» ой-номасига берилган 00483 рақамли гувоҳнома йўқол-ганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Дикқат, янги премьера ТОМОШАБИНАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

Джузеппе Верди XIX асрнинг иккинчи ярми-да ижод қилган дунёга машҳур буюк композитор ҳисобланади. У ёзган йиғирма олти опера жаҳон мусиқа санъатида ўзига хос ўринга эга. Машҳур композиторнинг асар-лари ҳозир ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Шунинг учун ҳам улар қўзлаб мамлакат-лардаги машҳур театр-лар репертуаридан му-стақкам ўрин олган.

Джузеппе Вердининг «Аида» операси юртимиз-нинг катта Давлат академик театри бўлиши Навоий но-мидаги опера ва балет те-атрида ҳам қатор йиллар мобайнида муваффақият билан намойиш этилганди.

Яқинда ушбу операнинг премьераси янги талқинда томошабинларга ҳава-ла этилди. Уни Ўзбекистон ва Қазарбайжон халқ арти-сти, Ўзбекистон Республика-си Давлат мукофотининг ла-уреати Фирӯддин Сафаров сахнага қўйди. Мусиқа раҳ-бари ва дирижёр эса халқ артисти, Ўзбекистон респу-бликаси Давлат мукофоти ла-уреати Дилбар Абдурахмо-новдир.

Хасан ИБРОҲИМОВ.



Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъмин-лаш ва йўлларда содир бўладиган ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг олдини-олишда соҳа мутахассисларининг ме-ҳнати муҳим ҳисобланади.

СУРАТДА: Тошкент вилоят йўл-ҳара-кати хавфсизлиги бошқармаси ИПХ ин-спектори Зиёвуддин Мухитдинов, Чиноз тумани йўл-ҳаракати хавфсизлиги бўлими ҳодими, милиция сержант Валишер Давлатов, Сирдарё вилояти ИХХБ ҳодими, милиция сержант Уктам Эргижитов хизмат постиди доимо сержант Қозим УЛМАСОВ олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҚБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2001 йил 20 ноябрдан бош-лаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳужжатли ва-лоталарнинг сўмга нисбатан қуйида-ги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 682 сўм 29 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҚБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2001 йил 20 ноябрдан бош-лаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳужжатли ва-лоталарнинг сўмга нисбатан қуйида-ги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 682 сўм 29 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҚБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2001 йил 20 ноябрдан бош-лаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳужжатли ва-лоталарнинг сўмга нисбатан қуйида-ги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 682 сўм 29 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҚБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2001 йил 20 ноябрдан бош-лаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳужжатли ва-лоталарнинг сўмга нисбатан қуйида-ги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 682 сўм 29 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҚБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2001 йил 20 ноябрдан бош-лаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳужжатли ва-лоталарнинг сўмга нисбатан қуйида-ги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 682 сўм 29 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҚБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2001 йил 20 ноябрдан бош-лаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳужжатли ва-лоталарнинг сўмга нисбатан қуйида-ги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 682 сўм 29 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҚБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки 2001 йил 20 ноябрдан бош-лаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳужжатли ва-лоталарнинг сўмга нисбатан қуйида-ги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 682 сўм 29 тийин.

«АЛИШЕР АКА БИЛАДИ...» СЭС-ЧИ?

Каттақўрғон — Бухоро шоҳ кўчасидаги хусусий ош-хоналарда бўлганимиз? Шаҳардан туман чегараси-га ўтишини биланок қатор ошхоналар эътиборин-гизни тортади. Уларнинг бирига Нуриддин Шукров раҳбарлик қилмоқда. Бу хусусий ошхона пазанде-лари сизни доимо очик чехра билан қутиб олишади. Яқиндагина фаолият кўрсата бошлаган мазкур ош-хонада барча шарт-шароитлар мавжуд. Ҳўрандалар учун янги ва юмшоқ стол-стуллардан ташқари чор-пояларга хонтахталар қўйилиб, кўрпачалар тўшал-ган. Махсус ёрликларга турли таом номлари ва улар-нинг аниқ нархлари ёзиб қўйилган. Шунга монанд ошхона соҳиблари ҳўрандаларга нисбатан самимий, улар тайёрлаётган таомлар эса гоята лаззатли.

Бироқ бу ердаги ошхона-ларнинг ҳаммасида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш кўнглидагидек деб бўлмай-ди. Алишер Махматов раҳ-барлик қилаётган хусусий ошхонада бўлганимизда у ердаги антисанитария ҳо-лати кўриб, таъминиз хира тортиди. Узини ошлаб деб таништирган Комил Турсу-нов чанг босиб ётган, қотиб қолган, ёғи артилмаган сто-лда масалли тайёрла-ётган экан. Овқат тайёрла-наётган хоналар тозаланма-ган. Идиш-товуқлар қайна-тилган сувда ювилмагани-дан юзидида ёғи шундоқки-на кўзга ташланиб турибди. Ошпаз Комил Турсуновнинг эғтида қис қол халат йўқ. Халатингиз қани, — сўрадик ундан?

Ошпаз йигит бир четга ташлаб қўйилган кир хала-тини қийиб олди.

- Тиббиёт кўригидан ўтган-мисиз?
- Утганман, лекин врачлар мўҳри босилган ёғи дастарим Алишер акада эди.
- Хусусий ошхонамиз бил-ган ҳақ таъминоти идораси ўртасида тузилган шартнома қани?
- У ҳам Алишер акада.
- Электр энергиясидан фойдаланишга доир шартно-ма-чи?
- Уни ҳам Алишер ака би-лади...

Хуллас, шу кўни ошхона му-дир Алишер Махматов билан суҳбатлашмиш имкони бўл-мади. Ошпаз Комил Турсунов-нинг айтишича, у аллақандай юмуш билан кетган экан. Ху-сусий ошхонанинг буфетига ўганимизда пештахта остида-ги ячйикларга териб қўйилган спиртли ичимликларга қўзи-